

# Issues of justice in the eyes of Eastern and Western thinkers

**Shaxnoza Sadullayeva Bahodirovna**

SamDChTI Gumanitar fanlar va Axborot texnologiyalari kafedrasini o'qituvchisi,  
Falsafa  
Samarqand viloyati Samarqand shahri

**Abstract:** In this article, the views of Eastern and Western thinkers on the principles of justice, the theory of justice, the principles of justice in society are widely covered.

**Keywords:** Justice, development strategy, Farobi, Beruni, Ibn Sino, Davoni, "Kutadgu bilig", "Theory of justice".

Хозирги даврда мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатчилик соҳасида ҳуқуқий фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда мамлакатимизда адолат устуворлиги масалаларини ўрганишга бўлган эҳтиёж янада ортимоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси концепциясини эълон қилганида “адолат устуворлиги мустаҳкамлаш инсон кадр-қимматини таъминлаш”[1.4б.] вазифасини илгари сурди. Адолат-ҳақиқат фикрлаш тизимларининг биринчи фазилати бўлганидек, ижтимоий институтларнинг ҳам биринчи фазилатидир.

Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг қарашларида адолат масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ушбу таълимотларда бундан минг йиллар олдин ҳозирги даврдаги фуқаролик жамияти қуришдаги муаммолардан бири, яъни ҳуқуқий онг ва маданият, адолат мезонларига амал қилиш талаблари жамиятда ўз ифодасини топиши учун ҳаракат қилишганлар. Ушбу давр, яъни IX-XII асрлар даври алломаларининг илмий мероси, умуман ўрта аср шарқининг маданий- маънавий ҳаётидан, ижтимоий сиёсий масалаларидан жуда катта маълумотлар беради. Ўрта аср мутафаккирларидан биринчи бўлиб Форобий ижтимоий ҳаётнинг хусусиятлари ва тузилиши ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Ўзининг "Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақидаги рисола" сида ҳукуматнинг икки тури борлигини қайд этган: биринчиси аҳолини ҳақиқий бахтга етаклайди, иккинчиси эса ҳаёлпараст, ёлғондир. Бу масалада Абу Наср Форобий бутун бошли бир тизимни яратганини гувоҳи бўламиз. Форобийнинг фикрига кўра, айнан ана шу тизимсиз фозил шаҳарни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Форобий қонуннинг устуворлиги ижтимоий юксалишнинг асоси, деб ҳисоблаган. Бу эса мукамал, юксак талабларга жавоб берадиган, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқарадиган механизм сифатида юзага чиқиши лозим. Адолат ва қонунга қатъий риоя қилиш ҳам ҳукмдорларнинг, ҳам халқнинг "ахлоқона қилмишларини"нинг олдини олади ва фозилликка етаклайди. Қонунларнинг самарали бўлиши учун зарур билимлар, белгиланган қонун қоидаларни ишга туширувчи механизмлар, таълим-тарбия тизими ва мувофиқ назария бўлмоғи лозим. Алломанинг фикрича идрокли ва тажрибали одамни бўйсундирувчи қонунни жорий этиш, оломон ва тажрибасиз одамларни олимга тенглаштириб, бўйсундирувчи қонунни жорий этишдан кўра маъқулроқ ва афзалроқдир; янги қабул қилинаётган қонун мамлакатдаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг аҳолисига бахт саодат, шод хуррамлик келтиришни, барча хислатлардан фарқ қилувчи туғма хислатларни ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим.[2.45 б.]

Форобийнинг сиёсий қарашларини кейинчалик XV асрда яшаб ижод қилган Жалолиддин Давоний янада ривожлантиришда ҳисса қўшган. Қомусий олимга Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларидаги илмий муҳит ёрдам берган. Давонийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари ниҳоятда бой бўлган. Ушбу аллома ҳам адолатли жамият қуриш тарафдори бўлиб, унинг таълимоти турли мамлакатларга тарқалган.

Адолат масаласи хусусида Абу Райҳон Берунийнинг ўзига хос бўлган ҳуқуқий қарашларида адолатлилик, оила, никоҳ муносабатлари, жиноят ва уларга белгиланган жазолар алоҳида ўрин тутди. Унинг оила ва никоҳ хусусидаги фикрига кўра халқлардан ҳеч бири никоҳдан холи эмасдир, ҳар миллатнинг никоҳга оид ўзига хос расми ва одати бор. Бундан ташқари барча инсон зоти учун энг ёмон бахтсизликларнинг қандай қилиб юзага келишини кўрсатиб, олим кишиларни хайр ва эзгулик сари ундаган. Аллома ушбу фаолиятини шундай чакриқлар билан эмас, ғоят таъсирли илмий таҳлил билан икки буюк маданият - юнон ва ҳинд маданиятларига мавжуд бўлган омма орасида кенг ёйилган эътиқодларнинг илмий тадқиқи орқали амалга оширади.[3.442 б.]. Демак, Абу Райҳон Беруний адолатли давлат қуриш ғоясини илгари сурган.

Машҳур аллома Абу Али ибн Сино фикрича ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасидаги тафовут ва тенгликсизлик натижасидир. Хусусан, Ибн Сино - иқтисодий ва ижтимоий ҳамда шахсий хусусиятларга кўра тенгликсизлик - инсон ижтимоий фаоллиги сабаби ҳисобланади, деб таъкидлайди. Идеал давлат қуриш эса жамият аҳолисининг маънавий-ахлоқий раванқи билан боғлиқ, деб ҳисоблаган.

Юсуф Хос Ҳожиб эса ўзининг “Қутадғу билиг” дostonида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий - ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга эътибор қаратган. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди. Жумладан, «Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш ўқуви билан ҳам сийлайди», деб таъкидлаган. Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал назарий асосларини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири, давлат арбоби Низомулмулкнинг - Сиёсатнома асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат, ижро ва сифатлари тўғрисидаги қарашлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг «Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тadbир энг савобли бўлади ва шундай йўл тутиш керак» деган фикрлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг адолатли тартиботларига катта эътибор берганлигидан далолатдир.

Давлат ва жамият назарияси ва амалиёти Марказий Осиёнинг кўплаб мутафаккирлари ва давлат арбоблари томонидан шахсларни тарбиялаш, ўз давлатига хизмат қилиш учун фидойиликни ривожлантириш зарурлиги ҳақида хабар берилган.

Бугунги кунда мазкур ғоялар Ўзбекистон давлатчилигининг бош мақсади бўлиб, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши” амалда ўз ифодасини топмоқда. Шунингдек “адолат қонун устуворлигида” олимларимиз илгари сурган ғоянинг ҳаётий ифодасидир.

Шарқ мутафаккирларидан ташқари Ғарб олимлари ҳам ҳар томонлама адолати жамият назариялари масалаларига эътибор қаратганлар. Масалан, машҳур америкалик сиёсатчи ва файласуф Джон Ролз “Адолат назарияси” китобида файласуфлар Жон Локк, Жан Жак Руссо ва Иммануил Кант томонидан ижтимоий шартноманинг классик назариясини қайта кўриб чиқиб, адолат назариясини ишлаб чиқади. Олим учун сиёсий ҳокимиятнинг қонунийлиги ҳукумат ва халқ ўртасида шартнома ёки келишув шаклида ифодаланган халқнинг ихтиёрий розилигидан келиб чиқади, деб фикр билдиради. “Ҳар бир шахс адолатга асосланган дахлсизликка эга, уни ҳатто фаровон жамият ҳам бузолмайди. Бинобарин, адолатли жамиятда фуқароларнинг эркинликлари ўрнатилиши, адолат билан кафолатланган ҳуқуқлар еса сиёсий савдолашиш ёки сиёсий манфаатларни ҳисоблаш предмети бўлмаслиги керак. Инсон фаолиятининг илк фазилати бўлмиш ҳам муҳокама мавзуси бўлиб келган. Нотўғри назарияни қабул қилишни истамайдиган ягона нарса-бу яхши назариянинг йўқлиги. Худди шунингдек, адолатсизликка ҳам катта адолатсизликдан қочиш лозим бўлгандагина тоқат қилинади.[4.25-26 б.]

Хулоса сифатида шуни қайд этмоқ керакки, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий меросининг асосий концепцияларидан бири – давлат пайдо бўлишининг табиий назарияси бўлса, иккинчидан, давлатни бошқариш ҳақидаги янгича ёндашувлар бўлса, учинчидан давлатнинг қонунчилик масалалари, давлатда адолатли қонунларнинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши, адолатли

қонунчиликни такомиллаштириш назарияси ҳисобланади. Бугун биз жамиятимизда адолат мезонларига амал қилинишида ана шундай маънавий бой меросимиздан унумли фойдаланишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Албатта, адолат ҳукм сурган жамиятда тинчлик, бағрикенглик ҳукм суради, халқнинг давлат сиёсатига бўлган ишонч-эътиқоди ортади, фуқароларнинг Ватан келажагига дахлдорлик туйғуси юксалади.

#### **Адабиётлар:**

1. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан инфографика шаклидаги рисола.4 Б.
2. Abu Nasr Forobiy.Fozil odamlar shahri.-Т.:А.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti,1993.-В.45
3. Abu Rayhon Beruniy. Tanlangan asarlar.11-j.-Т.:Fan,1968.-442 b.
4. Джон Ролз “Теория справедливости”.Научный редактор издания проф. В.В.Целищев.-Новосибирск. Издательство Новосибирского университета.1995.-С.25-26